



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 17 июль, № 145 (9316)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАҲАЛЛАЛАРДА БОШҚАРУВНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИСТИҚБОЛЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июль куни маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда «маҳалла еттилиги» фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу йил инфратузилмани яхшилаш, одамлар ва тадбиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача 250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан маблағ берилганини таъкидлади.

Туман ҳокимлари ва маҳалла раисларининг тушум бўйича ваколатлари кенгайтирилгани натижасида ҳудудда қоладиган қўшимча даромад 2 баробаргача кўпайди. Туманларда ўртача 22 миллиард сўмдан қўшимча маблағ қолди, маҳалла бюджетига эса ўртача 150 — 200 миллион сўм тушди.

— Лўнда айтганда, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисидида ҳам, умуман, «еттилик»нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат бор. Етишмаётган жихат — масъулият ва ташаббускорлик, — деди Президентимиз.

Тахлиллар айрим маҳаллаларда муаммолар вақтида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида Халқ қабулхоналари орқали 87 та маҳалланинг ҳар биридан 200 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, «Ташаббусли бюджет» дастури доирасида бу йил 7,5 триллион сўм ажратилган бўлса-да, 2 136 та маҳаллада бирорта лойиҳа қолиб чиқмаган. Кичик лойиҳалар учун банклар томонидан олти ойда 18,5 триллион сўм ресурс ажратилиб, 110 мингта микролойиҳа амалга оширилган, 259 минг одам ишли бўлган. Лекин 47 та маҳаллада бор-йўғи 2 тадан микролойиҳа ишга туширилган.

Айрим туманларда лойиҳаларга камбағал оилаларни жалб қилиш даражаси пастлиги, 960 та камбағал оила яшайдиган 32 та маҳаллада бирорта ҳам эҳтиёжманд одам доимий ишга жойлаштирилмагани танқид қилинди. Шунингдек, 883 та маҳаллада банкирлар хонадонбай юриб, лойиҳа қилмагани, тадбиркорлар билан учрашмагани қайд этилди.

Шу сабабли йил бошидан маҳаллада ишни тўғри ташкил қилмаган 152 нафар раҳбар ишдан олинган, яна 700 нафарига интизомий чора қўрилган.

Йиғилишда маҳаллаларда жиноятчиликни жийовлаш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва «еттилик» масъулиятини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла одамлар учун чинакам ишонч, таянч ва имкониятлар марказига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Яқинда маҳалла бошқарувини самарали ташкил қилиш бўйича Президент фармони имзоланди. Унга кўра, маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни қайд этувчи шахсдан ўз

худудининг «иктисодий буюртмачиси»га айланиши керак.

Энди ҳар бир маҳалла раиси ўз ҳудудининг иқтисодий ва ижтимоий буюртмачисини шакллантиради. Бунда муаммо аниқ ҳисоб-китоб қилинади, лойиҳа тайёрланиб, масъул ташкилотларга вазифа қўйлади. Маҳаллаларда хусусий бочча, мактаб, клиника ва спорт иншоотлари қуриш учун ерни аукционга чиқариш ваколати ҳам маҳалла раисларига берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, тозаликни таъминлаш ва даромадни кўпайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларда ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бундай лойиҳалар учун «маҳалла еттилик»ларига 10 миллион сўмдан грант ажратилади. Ушбу мақсадлар учун жами 240 миллиард сўм ресурс шакллантирилади.

Маҳалла раиси ўз худудининг ҳақиқий бошқарувчиси бўлиши шарт. У ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим, профилактика инспектори, солиқчи ва маҳалла банкирининг ҳафталик ҳамда ойлик иш режасини тасдиқлаб беради, уларга аниқ вазифа қўйиб, сўров қилиб боради.

«Еттилик» фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш ва ҳудуддаги муаммоларга илмий ёндашиш учун Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ташкил этилади. У «еттилик»ни ўқитади, маҳаллалардаги долзарб масалаларга илмий ечимлар ишлаб чиқади.

Йиғилишда маҳалла банкирларининг иш услуби ҳам тубдан ўзгариши белгиланди. Энди банклар ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуктаси»ни аниқлаб, ташаббускорларни топиши ва даромадли лойиҳаларни кўпайтириши зарур. Бундан буён битта маҳалла банкирига кўпи билан учта маҳалла бириктирилади.

Маҳалла банкирлари ҳудуддаги банк мижозлари билан ишлаб, иш ўринлари ва уларга қўйилган талабни аниқлайди. Маҳалладаги ишсизларни шу касбларга ўқитиш учун бандлик бўлимига буюртма беради ва ўқиниши битирганларни ишга жойлаштиради.

Жорий йил оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун қўшимча 2 триллион сўм имтиёзли ресурс берилди. «Оғир» маҳаллалар учун кредит ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилди. Энди маҳалла банкирлари ўзи топган лойиҳаси учун ушбу ресурсдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Давлат банклари маҳаллаларни ихтисослаштириш, «Агростар» компаниялари билан бирга «етиштириш — қайта ишлаш — сак-

лаш — қадоқлаш — сотиш» занжирини яратиш бўйича ишлайди. Бир ойда 1 мингта маҳаллада иш бошлаш, ҳар бир маҳаллада камда 3 тадан «локомотив» лойиҳани амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Маҳаллалар бюджетини мустаҳкамлаш бўйича ҳам янги ташаббуслар илгари сурилди. Эндиликда маҳалладаги нотурар объектлардан тушган ер ва мулк солигининг 5 фоизи ҳам маҳалланинг ўзига берилади. Бу орқали маҳаллалар ихтиёрида йилига яна 400 миллиард сўм маблағ қолади.

Йил давомида энг кўп тадбиркорларни рўйхатга олган, энг кўп янги иш ўрни яратган, тушум даражаси энг юқори бўлган ва энг кўп қўшимча солиқ базаси топган 200 та маҳаллага 2 миллиард сўмдан мукофот берилади.

Умуман, янги ташаббуслар ҳисобига маҳаллалар бюджетига тушум жорий йил 1 триллион 600 миллиард сўмга, келаси йилдан эса 2 триллион сўмга етади.

Юртимизда 2026 йил «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилинган. Шу асосда барча соҳалардаги ислохотлар натижаси, аввало, маҳаллада ва одамларнинг қайфиятида намоён бўлиши кераклиги таъкидланди.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз» деган эзгу эғру асосида кенг нишонланади. Энг улуғ, энг азиз байрамни маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказиш учун «Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги» эълон қилинди.

Маҳаллада ободончилик ишларини ташкил этиш бўйича Бош вазир бошчилигида республика штаби тузилади, ҳудудий штабларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Бу ишлар бир ойлик акция эмас, балки йил бўйи ишлайдиган умуммиллий ҳаракатга айлантирилиши зарурлиги таъкидланди.

Меҳнатга яраша рағбат бўлиши учун йил якуни билан кўп қаватли уйлардаги «Энг ораста хонадон», маҳалладаги «Энг файзли ҳовли», ҳудуддаги «Энг обод кўча», туман ва вилоятдаги «Энг намунали маҳалла» номинациялари жорий этилади.

Танлов қолиблари бўлган кўп қаватли уйлардаги квартиралар учун мол-мулк солиғи орасти, ҳовли-жойлар учун эса ер солиғидан имтиёз берилди. Янги тажриба яратган «маҳалла еттилиги» мукофотланади, уларнинг иш услуби бошқа ҳудудларга намуна қилиб кўрсатилди.

— Маҳалла — халққа энг яқин бошқарув бўғини. Одамларнинг кундалик масалалари шу ернинг ўзида, ортиқча оворагарчиликсиз ҳал бўлиши керак, — деди Президентимиз.

Ў.А.

Сенатор ва ҳаёт

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ИЗЧИЛ ДАВОМИ

Олий Мажлис Сенатининг 17-ялпи мажлисида бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари атрофлича кўриб чиқилган эди.

Мажлисида парламент сўровида кўтарилган тизимли муаммолар бўйича масъулларнинг батафсил ахборотлари эшитилиб, сенаторлар қизгин муҳокама қилди ва аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кеча Сенат аъзолари соҳада амалга оширилаётган кўламли ислохотлар ҳамда тизимли рақамлаштириш борасидаги амалий натижалар фақат ҳисобот ва статистик кўрсаткичларда эмас, балки амалиётда ҳам ўз ифодасини топаётганини кўриш мақсадида Қури-

лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва-зирлигида бўлди.

Сенаторлар соҳани рақамлаштириш ва фуқаролар учун электрон хизматларни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хусусан, тизимда жорий этилган «Менинг уйим» ахборот платформаси имкониятлари эътироф қилинди. Ушбу электрон платформа орқали бугунги кунда мулкдорлар учун қатор қулайликлар яратилган.



Сенатор ва ёшлар

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЙЎЛ

Ёшлар куни доирасида Олий Мажлис Сенатида тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмита ташаббиси билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси курсантлари парламент юқори палатаси фаолияти билан танишди.

Тадбирда асосий эътибор ёшларнинг парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни ҳамда амалга оширилаётган демократик ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларини янада бойитишга, йиғит-қизларда юксак фуқаролик масъулияти ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Бўлажак кутқарувчилар Сенат фаолияти, конституций ваколатлари,

қўмиталарининг асосий вазифалари ва қонунчилик жараёнидаги ўрни ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлди. Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш йўналишида қабул қилинаётган қонунлар ҳамда парламент назоратининг аҳамияти юзасидан фикр алмашилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР



Қонунчилик палатаси раҳбарияти, Кенгаши аъзолари, депутатлар, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги раҳбарияти ва мутахассислари иштирок этган йиғилишда техник жи-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, қурилиш маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда техник регламентлар талабларини бузганлик учун жа-

вобгарлик механизмларини қучайтиришга қаратилган қонунчилик таклифлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига таърифи давомида қора металлургия саноатини ривожлантириш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, халқаро стандартларни жорий этиш ва тармоқ рақобатбардошлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган эди.



КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИГА КАТТА РАҒБАТ

Мамлакатимизда Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида қўшимча енгилликлар белгиланмоқда.

Жумладан:

— аввал дастур доирасида микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми **100 млн.** сўмдан **200 млн.** сўмгача оширилади;

— кредит ёки лизинг миқдоридан қатъи назар, унинг **5 млрд.** сўмгача бўлган қисми учун фоииз харажатлари компенсация қилинади.

Шунингдек, ҳар йили ўз фаолиятини кенгайтирган ва юқори натижа кўрсатган **100 та** тадбиркорлик субъектига рақамлаштириш, халқаро стандартлар ва «яшил» технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар учун **300 млн.** сўмгача грант ажратилиш кўзда тутилмоқда.



Акс садо

ИНСОН ҲАЁТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу йўлда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон хавфсизлиги ва фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган «Ёнгин хавфсизлиги тизими такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда инсон ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни ишончли ҳимоялашга қаратилган навбатдаги муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Юртимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Унинг доирасида давлат ёнгин назорати тизими такомиллаштирилиб, профилактика ишлари қучайтирилди. Бироқ ёнгинлар би-

лан боғлиқ кўнгилсизликлар соҳада янада таъсирчан ҳуқуқий механизмларни жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2025 йилда республика бўйича 11 241 та ёнгин содир бўлган. Уларнинг оқибатида 249,2 млрд. сўмлик моддий зарар етказилган. Ёнгин ачинарлиси, 82 фуқаро ҳалок бўлиб, 129 нафар инсон турли даражада жароҳат олган.

Ана шу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун соҳада мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, давлат органлари, тадбиркорлар ва бошқа масъул субъектларнинг жавобгарлигини қучайтириш, энг муҳими, ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган янги тизимни шакллантиришни назарда тутди.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларидан бири ҳисобланади. Миллий маърузанинг парламент муҳокамасига киритилиши коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратининг таъсирчанлигини янада қучайтириш, масъул давлат органларининг ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида миллий маъруза кўриб чиқилиб, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, ушбу йилдаги қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари фаолиятида очкичлик ва ҳисобдорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Адҳам ШОДМОНОВ, қўмита аъзоси:

— Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Натижада сўнгги йилларда мазкур соҳада мутлақо янги институционал ва ҳуқуқий тизим шаклланди. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш фақат ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш билан чекланмай, балки унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган профилактик ёндашувлар, очкичлик, рақамлаштириш, парламент ва жамоатчилик назоратини қучайтириш орқали амалга оширилмоқда.



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ИЗЧИЛ ДАВОМИ



Жумладан, аҳоли ўз хонадони бўйича мажбурий бадаллар ва коммунал тўловлар ҳисобини реал вақт режимида кузатиб бориши ва онлайн тўловларни амалга ошириши, ўзларига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари фаолиятини баҳолаши ҳамда авария билан боғлиқ ёки бошқа коммунал муаммолар бўйича тўғридан-тўғри электрон мурожаатлар юбориш тизими йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, Сенат аъзолари эришилган натижа билан қаноатланмасдан соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим истиқболли йўналишларни ҳам кўрсатиб, қўп хонадонли уйлар-

нинг техник ҳолатини баҳолашда инсон омилини чеклаш зарурлигини таъкидлашди.

Сўхбат чоғида уй-жойларнинг техник ҳолати, муҳандислик тармоқлари ва таъмирлашга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт (online) режимида юритиш ҳамда мунтазам янгилаб бориш тизимини тўлиқ йўлга қўйиш юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

Бу механизм келгусида кузқиш мавсумига тайёргарлик жараёнларини олдиндан тўғри режалаштириш ва маблаглардан мақсадли фойдаланишда бош меzon сифатида хизмат қилиши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲАЁТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ушбу ҳужжат алоҳида битта соҳавий қонун билан чекланиб қолмайди. Балки ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларни комплекс тарзда тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунларга қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилади. Бу эса соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг барча босқичини — профилактикадан тортиб назорат, жавобгарлик, суғурта ва зарарни қоплаш механизмларига ҳам бўлган тизимни ягона ҳуқуқий асосда такомиллаштириш имконини беради.



Қонуннинг муҳим янгиликларидан бири — Жиноят кодекси янги 229-модда билан тўлдирилган. Ушбу норма шажарасозлик соҳасида рухсат бериш тартибига қонунга хилоф равишда аралашганили учун жиноий жавобгарлиқни белгилайди. Амалда айрим ҳолларда қурилиш объектини лойиҳалаштириш, қуриш ёки фойдаланишга қабул қилиш жараёнида масъул мутахассисларга турли босимлар ўтказилиши, қонун талабларига зид қарор қабул қилишга мажбурлаш ҳолатлари учраб келган. Эндиликда мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб бундай ноқонуний таъсир ўтказса, мазкур ҳара-

кат учун жиноий жавобгарлик юзага келади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган меъёрларнинг мақсади эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, масъулиятни ошириш ва профилактика самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Муҳим янгиликлардан яна бири — ёнғин аудити институтининг ҳуқуқий асослари яратилаётгани. Эндиликда объектларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилиши мустақил баҳоланади. Бу тизим камчиликларни ёнғин содир бўлишидан аввал аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Асосийси, мазкур қонуннинг нормалари жазони оғирлаштириш учун эмас, балки ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик маданиятини шакллантириш ва барчаннинг масъулиятини оширишга қаратилган.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай бойликдан устун. Мол-мулк қайта тикланиши мумкин, аммо инсон ҳаётидаги йўқотишлар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Сенат томонидан маъқулланган мазкур ҳуқуқий ҳужжат айнан шу эзгу мақсад — инсон ҳаётини муҳофазалаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мол-мулк дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда юртимизда ёнғинлар профилактикасининг мураккаб янги тизимини шакллантиришга хизмат қилиши билан ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани, мазкур иллатқа қарши бутун жамият биргаликда курашиши лозимлиги бир неча бор таъкидлаб келинмоқда. Ана шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган тизимли механизмлар қўриб этилди.



лифлар ўз аксини топади.

Энг муҳими, миллий маъруза мамлакатимиз парламентариизми тарихида парламент назоратининг янги институтини шакллантирди. У орқали коррупцияга қарши давлат сиёсати натижалари алоҳида таҳлил қилиниб, парламент томонидан кенг муҳокама этилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши тизими йўлга қўйилди.

Яқинда Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бешинчи миллий маъруза атрофида қўриб чиқилди. Мазкур ҳужжат дастлаб қўйи палатанинг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида, сиёсий партиялар фракцияларида ҳамда депутатлар иштирокида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Жараён давомида давлат органлари фаолиятига ҳолис баҳо берилди, соҳалардаги муаммолар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди ва яқинда Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Кайд этиш жоиз, бу амалиёт коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги натижаларни фақат ижро ҳокимияти доирасида эмас, балки халқ вакиллари иштирокида муҳокама қилиб, қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Абдулҳаким ЭШБОЕВ,
қўмита аъзоси:

— Миллий маъруза институтини мамлакатимизда ҳисобдорлик, очиклик ва парламент назорати таъсирчанлигини мустахкамлашга хизмат қилмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши мурасида мухитни шакллантириш, давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг давлат институтларига ишончини янада мустахкамлашга хизмат қилади.



Яқинда биз, депутатлар миллий маърузани атрофида қўриб чиқдик. Унда коррупцияга қарши курашиш борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар эътиборимиз марказида бўлди. Маълум қилинганидек, ўтган йилда коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар янада қучайтирилиб, давлат органларида комплаенс тизимлари кенгайтирилган. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш механизмларини такомиллаштирилган, давлат харидлари тизимида ракобат муҳити қучайтирилган, рақамлаштириш орқали инсон омилини қисқартиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, давлат хизматларини рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, очиклик индексини жорий этиш, коррупциявий хавфларни баҳолаш тизимини ривожлантириш каби чоралар давлат бошқарувида шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг 2025 йил 5 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси доирасида парламент, агентлик, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳамда вазирлик ва идоралар иштирокида республика бўйлаб кенг қамровли ўрганишлар ўтказилган. Соғлиқни

сақлаш, таълим, банк, кадастр ва бандлик соҳаларида маиший коррупциянинг асл сабаблари жойига чиққан ҳолда таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар белгиланган.

Миллий маърузада давлат хизмати, давлат харидлари, рақамлаштириш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, ички назорат, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам атрофида таҳлил қилинган.

Албатта, коррупцияга қарши курашиш узлуқсиз жараён ҳисобланади. Бу соҳада эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, миллий маърузада белгиланган тавсияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, парламент назорати таъсирчанлигини янада қучайтириш, қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кенгайтириш устувор вазифалар бўлиб қолди.

Айтиш мумкинки, мазкур масала бугунги кунда парламент фаолиятида ҳам долзарб йўналишлардан бирига айланган. Хусусан, қонун лойиҳаларини қўриб чиқишда коррупцияга имконият яратувчи нормаларни бартараф этиш, соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирishга алоҳида аҳамият қаратишмоқда.

Жорий йилда бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ҳуқуқий коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида”ги Қонун коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, соҳадаги ҳуқуқий механизмларни янада мустахкамлаш бўйича комплекс ёндашуви ўзида муҳассам этгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Тошкент вилоятида фаолият юритаётган “Dugonalar” ногиронлиги бўлган аёллар жамиятига бориб, бу ерда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда касб-хунарга ўқитиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганиш

Ўрганиш давомида ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини кенгайтириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, замонавий касб-хунар ва ахборот технологиялари бўйича билим ҳамда қўшмақчаларини оширишга қаратилган амалий ишлар кўздан кечирилди.

Айтилганидек, мазкур замонавий марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёни ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг қарори асосида Янгийўл шаҳрида ташкил этилган бўлиб, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини кенгайтиришга иxtиссослаштирилган. Марказда тикувчилик, пазандчилик, ахборот технологиялари ва спорт йўналишлари бўйича зарур шарт-шароитлар яратилган, машғулот хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЙЎЛ



Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни давлат бошқаруви жараёнларига дахлдорлик руҳида тарбиялаш, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиш борасида мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзолари Ёшлар кўни доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан ташкил этилган “Еш дипломат — 2026” ёзги оромгоҳ мактаби иштирокчилари билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан саралаб олинган иқтидорли ёшларга Сенатнинг конституциявий ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёни, парламент назорати ҳамда парламент диплома-

тиясининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, уларнинг етакчилик салоҳиятини рўёбга чиқариш, дипломатия соҳасига қизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустахкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида иқтидорли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятини юксалтириш, давлат ҳамда жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мулоқот якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР



Давлатимиз раҳбари ушбу вазифаларни амалга оширишда қурилиш маҳсулотлари муомаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий чораларнинг мутаносиблигини таъминлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлаганди.

Йиғилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги ҳуқуқий механизмлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексида ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар қўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва муомалага киритиш соҳасида ўтказилган ўрганишлар натижалари тақдим этилди. Назорат тадбирлари ҳамда лаборатория таҳлиллари техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар мавжудлигини, айрим маҳаллий ва импорт маҳсулотларида сифат ҳамда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича номувофиқликлар учраётганини кўрсатгани таъкидланди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 99-моддасида бинокорлик материаллари, конструкциялари ва бўюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача жарима қўллаш назарда тутилган. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида ваколатларнинг тақсимланиши билан боғлиқ ҳуқуқий номувофиқликлар туфайли мазкур норма тўлиқ самара бермаётгани айтилди.

Шу боис қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасига оид моддалар бўйича жарималар миқдорини қайта қўриб чиқиш, такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қучайтириш, хавфли маҳсулотларни бозордан қачқириб олиш ҳамда уларни реализация қилишни тақиқлашни аниқ ҳуқуқий механизмларини қўллаш таклиф этилди.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Тадбиркорлик, ракобатни
ривожлантириш ва сановат масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари:



— Бугунги кунда қурилиш соҳасида маҳсулотлар сифати устидан назорат қилишнинг ҳуқуқий тизими шакллантирилган. Хусусан, Қонунчилик палатаси томонидан “Бозор назорати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартiriшлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ҳамда “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳалари қабул қилиниб, Сенатга юборилган. Мазкур ҳужжатлар маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш, техник регламентлар талабларига риоя этилишини қучайтириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг янада ишончли ҳимоясига хизмат қилади. Муҳокамада қўрилган таклифлар эса ушбу қонунчилик ислохотларининг мантиқий давомидир.

Йиғилиш якунида қўмита аъзолари билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликда иш олиб боришга келишиб олди.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МАСЪУЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан “Касбий таълим сифатини ошириш — ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил” мавзюида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, замонавий касб ва компетенцияларга эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ёшларнинг меҳнат бозорига интеграциясини таъминлаш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар касбий ўқув тизимини модернизация қилиш, таълим сифатини ошириш ва битирувчиларнинг меҳнат бозорига рақобатбардорлигини таъминлаш учун мустахкам ҳуқуқий асос яратди.

Муҳокамада қайд этилганидек, бугунги кунда республикадаги 597 та касбий таълим муассасасида 413 мингдан ортиқ ўқувчилар кундузги, сиртки ва дуал шаклларда тахсил олмоқда. 2024/2025 ўқув йилида 145 мингдан зиёд битирувчиларнинг 81,8 фоизи ишли бўлган давлатнинг ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган тизимли чоралари самара бераётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, фақат статистик кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, бандлик сифатини ошириш, нормасий меҳнат улушини қисқартириш, ҳар бир битирувчининг меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш устувор вазифа экани алоҳида таъкидланди.

2025/2026 ўқув йили якунида техникумларни 147 мингдан ортиқ ёшлар таомиллаш режалаштирилган бўлиб, уларнинг катта қисми олий таълимга, доимий иш ўринларига, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига йўналтирилиши белгиланган.

Давра суҳбатида Президентимизнинг касбий

таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган фармони ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Жумладан, республика бўйича 539 та техникумда 896 та “Карьера кунлари” ўтказилиб, қарийб 9,3 минг иш бевуручи иштирокчида 41 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари ёшларга таклиф этилган.

Сайёра ИМОМОВА,
қўмита аъзоси:

— Муҳокама давомида соҳада эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, касбий таълим сифати, битирувчиларнинг касбий компетенцияларини меҳнат бозори талабларига янада мослаштириш, иш бевуручлар билан ҳамкорликни қучайтириш, дуал таълим қамровини кенгайтириш, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий иқтисослашувидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Шунингдек, касбий таълим тизимини замонавийлаштириш, халқаро стандартларни жорий этиш, иш бевуручлар билан интеграцияни қучайтириш ҳамда парламент назорати механизмлари орқали амалий натижадорлиқни таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Давра суҳбати якунида билдирилган таклифлар асосида амалий чора-тадбирлар режасини шакллантириш, унинг ижросини парламент назорати доирасида мунтазам мониторинг қилиш ҳамда касбий таълим сифатини янада ошириш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини қучайтириш бўйича келишувларга эришилди.



КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўнгги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Соҳада белгиланган вазифаларни самарали бажаришда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, мустақил экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Йиғилишда келгусида экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва маромига етказиш учун қўшма ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш, парламент эшитувлари, давра суҳбатлари, жамоатчилик муҳокамалари ҳамда ҳудудларда ўрганиш ишларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тавсиялар берилди.

Учрашув иштирокчилари экологик соҳада жамоатчилик назоратининг механизмларини такомиллаштириш, фуқаролар, нодавлат ножиҳот ташкилотлари, олимлар ҳамда соҳа экспертларнинг таклиф ва ташаббусларини парламент фаолияти билан уйғунлаштириш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Томонлар келгусида экологик қонунчиликни

такомиллаштиришга қаратилган таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳадаги долзарб муаммолар юзасидан экспертлик ҳулосаларини тайёрлаш ҳамда қонунларнинг жойлардаги ижросини жамоатчилик иштирокида мунтазам ўрганиш бўйича ҳамкорликни янада фоллаштириш ҳамда тажриба алмашишга келишиб олди.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Албатта, мазкур ҳамкорлик парламент ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги конструктив мулоқотни мустахкамлашга, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини янада оширишга, мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга йўл очади. Айниқса, учрашув давомида билдирилган таклиф ва ташаббуслар келгусида экологик сиёсат самарадорлигини кўтариш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим асос бўлади.



«Халқ сўзи».

Шу йил 18 июлдан Тошкент — Бекобод — Тошкент йўналишида янги электропоезд қатновлари бошланади. Чипта нархлари катталар учун 15 минг, болалар учун эса 9 минг сўмни ташкил қилади.



Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

Транспорт логистикаси жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг энг муҳим бўғинига айланган. Эндиликда юк ташишда нафақат вақт ва маблағ, балки йўналишлар хавфсизлиги биринчи ўринга чиқди. Украинадаги моҳаро, Европа Иттифоқининг Россия ва Беларусга қарши кенг қамровли санкциялари ҳамда Яқин Шарқдаги кескинлик кўплаб давлатларни анъанавий йўللардан воз кечиби, Марказий Осиё орқали ўтадиган янги хавфсиз транзит йўлакларини излашга мажбур қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРООСИЁ
МАКОНИДАГИ ЛОГИСТИКА ЧОРРАҲАСИ

Яқин ўтмишда жаҳон транспорт тизимининг чеккасида бўлган Марказий Осиё бугунги кунда Хитой, Россия, Кавказ, Яқин Шарқ ва Европани боғловчи ҳақиқий логистик чора-раҳага айланди. Бу ўзгариш минтақа давлатларига халқаро савдонинг янги архитектурасини шакллантиришда фаол ва таъсирли иштирокчи айланиш учун тарихий имконият яратди, десак, айни ҳақиқат.

Қўшни давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган ва минтақанинг барча мамлакатлари, шунингдек, Афғонистон билан чегарадош ягона давлат. Денгизга чиқиш йўли бўлмаса-да, айнан мана шу қулай географик жойлашув мамлакатни халқаро транзит оқимларининг табиий чорраҳасига айлантиради.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни Евроосиёнинг энг йирик транспорт-логистика марказига айлантириш бўйича кенг қамровли стратегияни амалга оширишга киришди. Бу стратегия фақатгина янги темир йўллар қуриш билан чекланмайди. Ақсинча, автомобиль йўллари инфратузилмасини модернизациялаш, юк ташиш тизимини рақамлаштириш ва замонавий логистика терминалларини яратиш, темир йўл вагонлари ва локомотив паркани янгилаш, авиация соҳасини жадал ривожлантириш, мамлакатни халқаро транспорт йўлак-лари тизимига тўлиқ интеграция қилиш каби комплекс чора-тадбир-ларни назарда тутди.

Глобал сиёсий инқирозлар туфайли дунёнинг транспорт харитаси қайта чизилаётган бир пайтда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ўз қулай геогра-фик мавқеидан фойдала-ниб, Евроосиё иқтисодий маконидида асосий ва муқар-рар транспорт-логистика хабиға айланиш учун дадил стратегик қадамларни таш-ламоқда.

Ўзбекистон Республикаси-сини 2030 йилгача ижти-моий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига кўра, халқаро юк ташиш ҳажмини 2 қарра ошириш, транспорт-логистика хизматлари экспортини 2 баробар кўпайтириш, замонавий логистика марказлари қувватини 3 мартага кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш керакки, 2022 йилгача Хитой ва Европа ўртасидаги темир йўл ташувларининг асосий қисми Россия, Қозғоғистон ва Беларус орқали ўтган. Украинадаги моҳародан сўнг, Хитой ва Европа компанияла-ри муқобил транзит йўналишларини излай бошлади. Шимолий тармоқ-дан тўлиқ воз кечиби бўлмаса-да, Ўзбекистон иштирокчидаги чекка ва илгари иккинчи даражали ҳисоблан-ган йўлларга қизиқиш кескин ортди. Хусусан, Ўзбекистон минтақанинг транспорт харитасини бутунлай ўзгартира оладиган учта йилги те-мир йўл йўналишининг кесишиш нуқ-тасига айланаётгани реал ҳақиқат. Булар: Хитой — Қирғизистон — Ўзбе-



кистон темир йўли. Трансфаз-гон темир йўл йўлаги. Каспий денгизи ва Эрон орқали Марка-зий Осиёни Кав-каз, Туркия ва Европа билан боғла-йдиган йўналишлар тизими.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбеки-стон темир йўли лойиҳаси сўнгги йил-ларда энг кўп муҳоқама қилинаётган ва минтақа учун тарихий аҳамиятга эга ташаббусдир. Лойиҳа устида қарийб 30 йил давомида музокара-лар олиби борилган бўлиб, фақат 2024 йилга келиб уни амалга оши-ришга киришилди. Магистралнинг умумий узунлиги 523 километрни, лойиҳа қиймати эса тахминан 8 млрд. долларни ташкил этади. Ва бу йўл Фарбий Хитойни Марказий Осиё билан боғлайдиган энг қисқа куруқлик йўлига айланади (масофа-ни мавжуд йўналишларга нисбатан 900 километрга қисқартиради).

Мазкур лойиҳа нафақат транзит даромадларини кўпайтиради, балки йўналиш бўйлаб янги омборхоналар, терминаллар, тақсимлаш марказла-ри, саноат майдончалари ва хизмат кўрсатиш зоналари қурилиши ҳамда минглаб янги иш ўринлари яратили-шига хизмат қилади.

Жанубий йўналиш ҳисобланган Термиз — Мозори-Шариф — Қобул —



Пешовар темир йўли қурилиши Ўзбе-кистонга Покистоннинг Карачи, Қосим ва Гвадар портлари орқали Ҳинд оке-анига тўғридан-тўғри чиқиш имкони-ни беради. Янги маршрут Жанубий Осиёга юк етказиб бериш вақтини икки баробар қисқартиради ва транс-порт харажатларини 30 — 40 фоизга камайтиради. Бу йўл орқали Ҳиндис-тон, Форс қўрғазии ва Африка бозор-ларига чиқиш мумкин. Бу йўналиш Ўзбекистон ташқи савдоси учун жуда истиқболлидир. Ҳозирнинг ўзида Ўзбекистон Марказий Осиё ва По-кистон ўртасидаги юк ташиш ҳажми-нинг 64 фоизини таъминлаб, бу йўна-лишда мутлақ етакчилик қилмоқда.

Транскаспий халқаро транспорт маршрути Ўзбекистонга анъанавий денгиз йўлларига боғлиқ бўлмаган холда Кавказ, Туркия ва Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш имко-нини беради. Бу йўналишда зидд тўқимачилик ва аграр маҳсулотлари экспортини рағбатлантиради. 2025 йил якунларига кўра, “Ўрта йўлак” орқа-

ли юк ташиш ҳажми 4 млн. тонна-дан ошди. Жаҳон банки прогнозла-рига кўра, барча инфратузилма ло-йиҳалари амалга оширилса, 2030 йил-га бориб бу кўрсаткич 11 млн. тон-надан ошиши мумкин.

Юқорида қайд этилган учта йўна-лишининг (Шарқ, Жануб ва Фарб) бир-лашиши Ўзбекистон учун ноёб гео-иқтисодий устуниликни тақдим этади. Мамлакат бир вақтнинг ўзида Хитой, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Кавказ, Туркия, Россия ва Европага чиқиш имкониятига эга бўлади. Ва мамла-кат Евроосиёнинг “Шарқ — Фарб” ва “Шимол — Жануб” транспорт йўлак-лари кесишадиган санокли ва энг асосий стратегик лойиҳани узелла-ридан бирига айланади. Маҳаллий ва халқаро йўлакларнинг бундай са-марали йўғунлиги дунёнинг энг йи-рик геосиёсий ўйинчилари ва ин-весторларнинг Ўзбекистон транс-порт лойиҳаларига юқори қизиқиши-ни тўлиқ асослаб беради.

“**Жаҳон банки ва Евроосиё тараққиёт банки баҳолашича, йирик логистика лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётга миллиардлаб доллар инвестициялар олиб киради, ўн минглаб янги иш ўринларини яратди ва иқтисодий ўсиш суръатларини қўшимча равишда тезлаштиради. Янги йўлакларни қуриш ва мавжудларини модернизациялаш мамлакат ҳудудларини мутаносиб ривожлантиришга хизмат қилади, бу эса ички сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир.**”

Хитой учун Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаб-бусининг ажралмас ва энг муҳим қисмидир. Республи-ка Хитой товарларини Яқин Шарқ, Кавказ ва Европа боз-орларига олиб чикувчи қўшимча, хавфсиз ва қисқа куруқлик йўлларини кафолат-лайди.

Туркиянинг Марказий Осиё орқа-ли ўтадиган транспорт йўлларини ривожлантириш стратегияси унинг Осиё ва Европа ўртасидаги асосий логистик кўприкка айланиш мақса-ди тўлиқ мос келади. Расмий Анқара Ўзбекистонни “Ўрта йўлак” учун асосий юк етказиб берувчи си-фатида кўради ва Туркманистон, Эрон ҳамда Кавказ орқали темир йўл алоқаларини ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлайди.

Европа Иттифоқи Осиё билан сав-до алоқаларида Россияни айлиноб ўтувчи транзит йўналишларини ди-версификация қилишдан манфаат-дор. Шу сабабли Брюссель “Ўрта йўлак”ни ривожлантиришни қўллаб-қувватламоқда ва ўзининг “Global Gateway” стратегияси доирасида Марказий Осиё инфратузилма ло-йиҳаларига сармои қиритмоқда. Ев-ропа компаниялари учун Ўзбекистон янги транспорт йўллари ва тез ўсаётган минтақавий бозорга чиқишда

муҳим шерикдир. Муқобил йўллар ривожланаётганига қарамай, Россия йўналиши Ўзбекистоннинг қитъанинг Европа қисми билан ташқи савдо-сида энг асосий канал бўлиб қо-лмоқда. Икки давлатни йирик саноат лойиҳалари, темир йўл инфратузил-масини биргаликда ривожлантириш ва тинимсиз ўсиби бораётган савдо айланмаси боғлаб туради.

Айни ҳамкорлик Ўзбекистонга Ев-роосиёдаги энг йирик темир йўл тар-моғи ва Россия портларидан фой-даланиш имконини беради. Бу од-дий транзитдан чиқиб, ташувларни рақамлаштириш, “Шимол — Жануб” халқаро транспорт йўлагини ривож-лантириш, тариф сиёсатини муво-фиқлаштириш ва ягона Евроосиё транспорт маконини яратишни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг геостратегик мавқеи унга Хитой, Туркия, ЕИ ва Россия каби йирик халқаро кучлар билан тенг ҳуқуқли ва манфаатли

транспорт дипломатиясини олиб бо-риш имконини беради. Ҳар бир гло-бал ўйинчи Ўзбекистон орқали ўз стратегик мақсадларига эришишга интилади, бу эса расмий Тошкентга ташқи иқтисодий йўналишларни ди-версификация ва миллий манфаат-ларини ҳимоя қилишда қўшимча ус-тунлик беради.

Умуман, транзит салоҳиятини ошириш борасидаги сазй-ҳаракат-лар мамлакатимизнинг узок мuddат-ли иқтисодий стратегиясининг энг муҳим унсурларидан бири. Бугунги кунда транспорт соҳаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 8 фоизини шакллантирмоқда ва 1 миллионга яқин аҳолини иш билан таъминламоқда.

Жаҳон банки ва Евроосиё тарақ-қиёт банки баҳолашча, йирик логис-тика лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётга миллиардлаб

Умуман, йўллар, темир йўл йўналишлари ва логистика марказларининг қурилиши Марказий Осиёнинг Европа ва Осиё ўртасидаги кўприк сифатидаги ролини янада кучайтиради. Қўшимча ўсиш омиллари бизнес муҳитини яхшилаш, рақамли давлат хизматларини ривожлантириш ва бошқарув тизимини модернизация қилишга қаратилган ички ислохотларни ҳам ўз ичига олади. Минтақанинг яна бир афзаллиги унинг ёш аҳолиси бўлиб, бу ички талабни, меҳнат бозорини ва узок мuddатли ривожланиш салоҳиятини оширади.

Рустамбек ТОЖИЕВ,
Фаргона давлат техника университет ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

ҚУЁШ ТАФТИ —
ДАРОМАД
МАНБАИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Масалан, ўтган йили жами ишлаб чиқарилган 86,7 млрд. кВт/соат электр энергиясининг 10,5 млрд. кВт/соати қуёш ва шамол станциялари ҳиссасига тўғри келди.

«Яшил» энергетика



Албатта, келгусида бу рақам янада ошиши тайин. Чунки нуфус ўсаяпти, янги шаҳарлару саноат корхоналари пайдо бўлмоқда. Давлат томонидан муқобил энергия манбалари учун субсидиялар берилаётгани ҳам аҳолини қуёш панел-лари ўрнатиш орқали даромад топишга ундамоқда.

— Республикамиз бўйича жорий йил-нинг биринчи чорагида 45,2 минг нафар жисмоний шахс “Қуёшли хонадон” дасту-ри доирасида давлат газнасидан 73 млрд. 982 млн. сўм субсидия олди, — дейди Солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи Баҳодир Абибуллаев. — Шунинг 45,5 млрд. сўми март ойига тўғри келди (44,7 минг нафар фуқарога тўланган). Агар бу рақамни ўтган йилги натижа билан солиштирсак, вазият янада ойдинлашади. 2025 йилнинг I чорагида 12 746 нафар фуқаро қуёш панеллари ўрнатиш орқали 8 млрд. 147 млн. сўм субсидия олган. Қўриб турганнингиздек, бор-йўғи бир йил ичида субсидия олув-чилар сони қарийб 3,5 баробар, тўланган маблағ эса 9 баробар ошган. Мана, сиз-га инсон ақлу заковати туфайли осмон-даги қуёш тафтининг даромад манбаига айланаётганига яққол мисол.

Илгари барча асбоб-ускуналар Хитой-дан келтирилган бўлса, эндиликда қуёш панелларини, муқобил энергия яратиш учун зарур бўлган барча воситаларни ма-ҳаллийлаштиришга астойдил киришилган. Бу, ўз навбатида, истеъмолчилар учун таннархнинг арзон ва ҳозирабор бўли-шини таъминлаяпти. Бугун яшаб турган ўйининг томмига ё ишхонасига қуёш па-неллари ўрнатган кишилар электр ўчиби қолмасайди, деган хавотирдан буткул қутулган ва ақинча, ўз эътижидан ор-тиқча энергияни давлатга сотаяпти.

— Кам таъминланган кишига рангли те-левизор ё бошқа техникалар совға қил-гандан кўра, қуёш панелини ўрнатиб бер-сагу у шундан наф кўрадиган бўлса, кан-дай яхши, — дейди халқ депутатлари Иш-тиҳон тумани Кенгаши депутати Фаҳрид-дин Абдураззоқов. — Бу ташаббусни ёдингизда бўлса, Президентимиз ҳам таъ-кидлаган эди ва бу хайрли иш кўп жой-ларда рўёбга чиқиб, одамларга бир олам қувонч келтиряпти. Ана шу савобли ишни янада кўпайтириш ҳақида туман Кенгаши сессиясида айтгандим, барчага маъқул келди. Агар шу тариқа муқобил энергия манбаи юртимиздаги ҳар бир хонадонда пайдо бўлса борми, эҳ-ҳе, шу орқали не-чоғли катта микдордаги табиий газ ва кўмир иқтисод қилинмайди, дейсиз. Ях-шииси, сиз ҳам шу ишга бош қўшинг, “яшил” энергия яратишдек ташаббусдан четда турманг.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАФАККУРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ

Бугунги кунда Жиззах вилоятида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатларда ўсмоқда, хорижий инвесторлар сони ортиб, логистика тизими ривожланмоқда. 2026 йилнинг биринчи чорагига оид натижалар ҳудудда рақамли иқтисодиёт аҳоли фаровонлигини таъминловчи муҳим омилга айланаётганини кўрсатмоқда.

Рақамлаштириш

Таълим дастурларининг биз-нес талаблари билан босқичма-босқич интеграциялашуви йирик компаниялар ва таълим муасса-салари ўртасидаги ҳамкорлиكنи мустаҳкамламоқда. Жиззахлик ёшлар ўз билими ва тафаккури-га таяниб, яратаётган дастурий маҳсулотлар билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиби ўрин эгаллаётир. Утган йили вилоятда IT хизматлари экспорти 9,5 млн. АҚШ долларини ошди. Ўтибборилиш, мазкур маҳсулотларнинг асосий хари-дорлари АҚШ, Германия ва

Буюк Британия каби ривожлан-ган давлатлар бўлмоқда.

Дастурий
маҳсулотлар
бозори чаққон

— Жорий йилнинг I чорагида экспорт ҳажми яна 126 фоизга ўсиб, деярли 3 млн. долларга яқинлашди, — дейди Рақамли тех-нологиялар вазирлиги Жиззах ви-лояти ҳудудий шўъбаси раҳбари Маҳмуд Гисовс. — Бу кўрсаткич-лар Жиззахда яратилган дастурий маҳсулотлар жаҳон бозориде ра-қобатдош бўлаётганини аңглатади. Илгари дастуричи бўлиш учун пойтахтга ёки камида вилоят мар-казига бориб ўқиш талаб этилар-

ди. Янги муҳитга мослашишнинг ўзига ойлар кетарди. Энди эса имкониятнинг ўзи кишлоқларга ки-риб бормоқда.

Дўстлик туманида маҳаллий бюджет таъминати ҳисобидан барпо этилган 160 ўринли IT-ша-ҳарча бунинг ёрқин намунаси-дир. Бу ерда ёшларга дастур-лаш, компьютер саводхонлиги ва хорижий тиллар ўргатилишмоқ-да. Зомин ва Шароф Рашидов ту-манларида ҳам шундай лойиҳа-ларнинг яқуний босқичи амалга оширилипти. Жорий йил охири-га қадар Зафаробод, Янгиобод ва Фориш туманларида ҳам янги IT-шаҳарчалар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу эса ёшлар учун янги имкони-ятлар эшигини очади.

Вилоятдаги IT-шаҳарчалар ва чекка ҳудудларда компьютер са-водхонлигини оширишга қаратил-ган дастурлар келгусида Жиззах-ни мамлакатнинг муҳим рақамли ха-бларидан бирига айлантириш-га хизмат қилиши кутилмоқда. Асосий мақсад — ҳар бир хона-

донга замонавий технологиялар-ни олиб кириш, ёшларга уйддан чиқмаган холда жаҳон бозориде фаолият юритиш имкониятини яратишидир.

Рақамли иқтисодиётнинг асо-си, албатта, билимдори қадрлар ва инсон капитали ҳисобланади. Бу борада ҳам вилоятда кенг қўла-ми ишлар амалга оширилмоқда. “Бир миллион дастурчи” лойиҳа-си доирасида 26 мингдан зиёд ёшлар рўйхатдан ўтиб, уларнинг қарийб 24 минг нафари курслар-ни муваффақиятли тамомлади. 202 нафар ёш халқаро IT курсла-рида тахсил олиб, сертификат-ларга эга бўлди.

Истиқболли
қоғларни излаб...

“Беҳ миллион сунъий интел-лект етакчилари” дастури доира-сида 60 мингга яқин талабгор-лар рўйхатдан ўтган бўлиб, улар-нинг 50 мингдан зиёди ўқишни муваффақиятли якунлаган. “Ра-қамлаштириш орқали фаровонлик

сари” дастури асосида ижти-моий реестрда турган 17 дан 30 ёшгача бўлган 1148 нафар йи-гит-қиз касбий билимларини оши-риб, ўз фаолиятини бошлади. Улар-дан 140 нафари дастлабки даро-мадларини ҳам қўлга киритди.

— Авваламга “Беҳ миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасида шунчаки қизиқиш учун қатнашгандим, — дейди За-фаробод туманидаги Ерқин ма-ҳалласида яшовчи Бобомурод Ти-ловбоев. — Топшириқларни бос-қичма-босқич бажариб, сертифи-катлар олдим. Қизиқишим ортиб, беҳ ой ичида мураккаб дастур-ларни ҳам ўргандим. Ҳозир ин-тернет орқали ўз тадбиркорли-гимни йўлга қўйганман. Уйдан чиқмасдан даромад топишман ва хатто ўзим каби яна 3-4 нафар ёшни ҳам бу ишга жалб қилдим.

Ҳудудлардаги ёшлар орасидан истиқболли қоғларни излаб топ-иш, уларни стартапларга айлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқ-

да. Сўнгги уч йилда 60 та рақамли дастрап ишлаб чиқилиб, уларга 4,37 млрд. сўм инвестиция жалб қилинди. Бу жараёнда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йил учун белгиланган вазифалар янада улкан. Жумла-дан, ахборот-коммуникация тех-нологиялари соҳасидаги хизмат-лар ҳажмини 130 млрд. сўмдан ошириш, IT хизматлари экспор-тини 15 млн. долларга етказиш ҳамда “IT Park” резидентлари со-нини 100 тадан зиёдга олиб чи-қиш режалаштирилган.

— Ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туши-

рилаётган бир пайтда юқори ма-лакали мутахассисларга, айниқ-са, муҳандислар, сунъий интел-лект мутахассислари ва нанотех-нологларга эҳтиёж ортиб бор-моқда, — дейди халқ депутатла-ри Зомин тумани Кенгаши депу-тати Г. Махсудова. — Йирик қурилишлар ҳам, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ўз со-ҳасини муқаммал эгаллаган кадрларга эҳтиёж сезади. Айрим туманларда рақамли хизматлар-дан фойдаланиш даражаси ҳали паст. Шунинг учун инновация-ларни тарғиблаш, кишиларни шун-дай иш ўринлари яратиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятларини кен-гайтириш зарур. Бу борада ма-ҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларини инновацион лойи-ҳаларга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган «Умра+Зиёрат туризми» халқаро кўргазмасида Ўзбекистоннинг миллий экспозицияси намойиш этилди.



ТОШКЕНТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ГАСТРОНОМИК МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Ўзбекистон овози” кўчасида ташкил этилган 7/24 тартибда ишловчи замонавий гастрономик ва туризм гўшаси сайёҳлик хизматлари кўрсатишни янги босқичга олиб чиқмоқда. Зеро, мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — аҳоли ва сайёҳлар учун куну тун хизмат кўрсатадиган, хавфсиз, замонавий ва жозибадор инфратузилма яратишдир.

Туризм



Рости гап, илгари Тошкентга келадиган меҳмон ва сайёҳларнинг асосий қисмини ёши катталар ташкил этарди. Кўча, Зарқайнар кўчалари, Чорсу бозори атрофи ва Ҳасимом мажмуаси каби машҳур туризм масканларида кўпроқ кекса инсонларни учратардик. Бугун эса замонавий ва тарихий қиёфада янгиланган бу гастрономик ва сайёҳлик кўчаси ёшлар билан гавжум. Бу ҳолат шаҳар ҳаётига жушқинлик бағишламоқда.

Кечқурун — қуёш ботиши билан кўчалар сайёҳ ва меҳмонлар билан тўлаётгани кувонарли ҳолат. Айниқса, ёшлар кўп бўлгани учун бу ерда ҳаёт “қайнамоқда”. Яқин келажақда бу каби кўчалар халқаро даражадаги карвинг санъати фестиваллари, гастрономик туризм тадбирлари ва турли ёшлар форумларини ўтказадиган машҳур масканга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ушбу гастрономик ва туризм кўчаси тумандаги Шахрисабз, Оқибат ва Нур маҳаллалари ҳудудида жойлашган бўлиб, кўчанинг умумий узунлиги 2,1 километри ташкил этади. Лойиҳа қиймати эса 40 млрд. сўмга тенг.

Кўчанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у фақат савдо ёки овқатланиш нукталари жойлашган ҳудуд эмас, балки гастрономик туризмни ривожланти-

ришга хизмат қиладиган комплекс макон сифатида шакллантирилмоқда. Бу ерда миллий ва хориж ошхонасининг энг сара таомлари тайёрланадиган замонавий кафе ва ресторанлар, оилавий дам олиш масканлари, ёшлар учун кўнгилочар ҳудудлар ҳамда сайёҳларга қулай шароит яратилмоқда.

— “Ўзбекистон овози” кўчасида ўтган асрларга хос миллий архитектура услуби, модерн кўриниш ва замонавий рақамлаштирилган шаҳарсозлик ечимлари бирлаштирилган бўлиб, ўзига хос қиёфага эга, — дейди Тошкент шаҳар Туризм бошқармаси бош мутахассиси Бобомурод Файзиев. — Қурилиш ишлари 2024 йил август ойда бошланиб, лойиҳа 2025 йилда ишга туширилди. Қисқа вақт ичида ҳудуднинг мутлақо янги кўринишга келтирилиши тизимли ва пухта ёндашув натижасидир.

Замонавий туризм масканининг иқтисодий самарасини рақамлар мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳозирда мазкур ҳудудда жами 165 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Шулардан 30 таси янги ташкил этилган бўлса, 56 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини кенгайтирган. Энг муҳими, 89 та объект куну тун ишлаш-

га ўтказилди. Мазкур ташаббусга қизиқиш юқори эканини яна 48 та тадбиркорлик субъекти 24 соатлик фаолиятга ўтиш истагини билдирганидан ҳам аниқлаш мумкин.

— Ўзбекистонга келган кўнимизда ноқ ўзимизни бегона хис қилмадик. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги “Ўзбекистон овози” кўчасида фаолиятимизни бошладик, — дейди туркилик ишбилармон, “The Foodie” ресторани раҳбари Халил Арслан. — Тўрт ойдан бери маҳаллий аҳолига ҳам, хорижий сайёҳларга ҳам сидқидилдан хизмат кўрсатяпмиз. Бу емакxonани ишга тушириш учун ўртача ҳисобда 30 — 40 минг АҚШ долларини миқдоридан ин-

вестиция киритдик. Бу ерда тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар, хавфсиз ва қулай бизнес муҳити биз каби хорижий инвесторларда катта қизиқиш уйғотяпти.

Хорижлик ишбилармонлар, маҳаллий тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, туризм соҳасидаги ушбу ўзгаришлар аҳоли бандлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганига амин бўласиз. Гап шундаки, мазкур лойиҳа шарофати билан ҳудудда яратилган доимий иш ўринлари сони 2 200 тадан ошди. Бу эса юзлаб оилалар учун даромад манбаи, дегандир.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ҳақмининг 23,2 млрд. сўмга ошиши кутилмоқда. Бюджетга эса кўшимча 5,2 млрд. сўм тушум келиши прогноз қилинган. Рақамлар лойиҳанинг нафақат шаҳар кийёсини

ўзгартиришда, балки иқтисодий фаоллиқни кучайтиришда ҳам муҳим омилига айланаётганини кўрсатади.

— Кўчамиз нафақат маҳалламиз аҳолиси, балки шахримиз меҳмонлари учун ҳам сеvimли масканга айланиб бормоқда, — дейди ҳокимнинг “Оқибат” МФЙ бўйича ёрдамчиси Анвар Бобоев. — Бу ерда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар бизнес фаолиятини кенгайтириш борабарига, ҳудудий иқтисодиёт ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Эътиборли жиҳати, туризм йўналишида таълим олган ўндан зиёд ёшлар мазкур кўчадаги гастрономик марказларда иш бошлади. Айниқса, маҳалламизда яшовчи,

қарамоғида икки нафар фарзанди бўлган Севара Қувватбековага катта имконият бўлди. У янги ташкил этилган “Абдулазизхон Усмонов” МЧЖда ошпаз ёрдамчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Ойига ўртача 7-8 млн. сўм даромад топмоқда.

Шиддат билан ривожланиб бораётган дунё мегаполисларида “тунги иқтисодиёт”га муҳим даромад манбаи сифатида қаралади. Тошкентда ҳам ана шундай ёндашув босқичма-босқич шаклланимоқда. “Ўзбекистон овози” кўчаси бу борада илк йирик намунавий лойиҳалардан бири бўлиб, у келгусида бошқа ҳудудларда ҳам замонавий туристик ва гастрономик кўчаларни ташкил этиш учун тажриба вазифасини ўтайди.

— Тадбиркорлик ишларим сабаб Тошкентга тез-тез келиб тураман, — дейди наманганлик ишбилармон Гулнора Ҳақимова. — Ҳар сафар бу ерда янгилинишлар, янги қурилишлар, одамларга яратилаётган шароитларни кўриб қувонаман. Айниқса, “Ўзбекистон овози” кўчаси, ростини айтсам, мени ҳайратга солди. Бу жой, ҳақиқатан ҳам, Европа шаҳарларидан қолишмайдиган даражада чиройли ва замонавий масканга айланибди. Кўчанинг бошланиш нуқтасидан Экобўғ олдиғача бўлган ҳудудда сайр қилган ҳар қандай кишининг чарчоқлари чиқиб кетади.

Кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. “Ўзбекистон овози” кўчаси бугун нафақат замонавий туризм хизматлари муҳажасам бўлган янги манзил, балки азим Тошкент шаҳрининг замонавий тараққиёт рамзига айланиб бормоқда.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Ақмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Мозийдан садо

ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТ КАШФИЁТЛАРИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтига халқаро илмий ҳамкорлик изчил ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар археология соҳасида муҳим натижалар бермоқда.



Хусусан, институт базасида 2023-2024 йилларда ташкил этилган халқаро археологик экспедициялар доирасида Нукус туманидаги “Кердер” ОФЙ ҳудудида жойлашган ўрта асрларга оид “Хайвонқалъа” тарихий ёдгорлигида кенг қўламли қазиш ишлари амалга оширилган эди. Бу илмий изланишлар жорий йил ҳам изчил давом эттирилмоқда.

— Экспедицияга институт тарих факултети талабалари ҳам жалб қилинган, — дейди Нукус давлат педагогика институтини доценти Бахит Турганов. — Талабалар археологик қазималарда бевосита иштирок этиб, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамламоқда.

Халқаро экспедиция нафақат илмий тадқиқотлар, балки ёш археологлар мактабини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Талаба-ёшлар объект бошида қурилган ҳодирларда яшаб, ҳақиқий археологик экспедиция муҳитида қазималар ишларида қатнашаётди. Эътиборлиси, талабаларнинг хорижийлик олимлар билан биргаликда ишлаши уларнинг илмий салоҳияти ва амалий тажрибасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга қадар олиб борилган қазиш ишлари давомидида 100 дан ортиқ мис тангалар, 30 га яқин ишчи идиш парчалари, лойдан ясалган болалар ўйинчоғи, танدير, темирдан ишланган ўроқ бўлағи, суякдан ясалган қамчи туқтинчирини бир қисми ҳамда мисдан ишланган белбўғ туқтинчи каби нобў топилмалар аниқланди.

Мутахассислар фикрича, ушбу топилмалар ҳудудда ҳунармандчилик, савдо-сотик ва турмуш маданияти юқори даражада ривожланганини кўрсатади. Шу билан бирга, улар ўша давр аҳолисининг иқтимоий ҳаёти ва ҳўжалик фаолияти ҳақида ҳам муҳим манбаларни тақдим этади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Хайвонқалъа” (Кердер қалъа) Қорақалпоғистондаги ўрта асрлар даврининг йирик шаҳар маданиятига оид ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган умумий майдони 19 гектарни ташкил этади.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ГУЛМОҲИ БАЛИҒИ ЕТИШТИРИШДА НОРИН ТАЖРИБАСИ

Балиқ — инсон саломатлиги учун энг фойдали неъматлардан бири. Чунки у шифобахш таом сифатида ҳам қадрлидир. Табиий муҳитда парваришланган балиқ гўшти жуда енгил ҳазм бўлиши, витамин ҳамда минералларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Омилкорлик

Аҳолининг балиқ истеъмоли йилдан-йилга ошиб бораётган шу кунларда соҳада интенсив технологиялардан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда. Шу маънода, Наманган вилоятида Норин тажрибаси нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий аҳамияти билан мамлакатимизда эътиборга сазовор бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилояти бош бошқармаси ҳамда тижорат банкларининг савй-ҳаракатлари билан Норин туманидаги хонадонларда йўлга қўйилган интенсив усулда балиқ етиштириш тажрибаси қисқа вақт ичида қўтилганидан ортиқ натижа бера бошлади.

— 2025 йилнинг аввалидан интенсив усулда гулмоҳи (форель) балиғи боқиш лойиҳаларини амалга оширишга киришган эдик. Сентябрь ойидаги туманимизда умумий қиймати 40 млрд. сўмлик 200 га яқин ҳовуларда балиқ етиштириш йўлга қўйилди, — дейди Норин тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғайратжон Пиримқулов. — Мазкур лойиҳалар ижроси йўлида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Эътиборлиси, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида мелиоратив тик кудуқлар атрофида ва аҳоли хонадонларидаги ҳовуларда 2 минг тонна гулмоҳи балиғи етиштирилмоқда. Бу ишлар кооперация усулида, йирик кластер “Fishville Norin” корхонаси томонидан амалга ошириляпти.

Корхона бугунги кунда нафақат вилоятда, балки республикада балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган энг йирик ва инновацион лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилади. Эътиборлиси, корхона балиқ етиштириш билангина чекланиб қолмай, экспорт, аҳоли бандлиги, гастрономик туризм ва кооперация тизи-



мини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда 3 млн. АҚШ доллари қийматида тенг сармоя киритилиб, 2 гектардан зиёд майдонларда барпо этилган 76 та инновацион ҳавзанинг 40 таси тўлиқ ишга туширилган, уларда суперинтенсив технология асосида гулмоҳи балиғи етиштириляпти. Айни кунларда корхона жамоаси йилга 2 минг тонна балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш, экспорт ҳажми 5 млн. долларга етказиш мақсадида ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқда.

— Кейинги босқичда инвестицияни 15 млн. долларгача қўпайтириб, экспорт ҳажмини 10 млн. долларга етказиш лойиҳалари устида изланяпмиз, — дейди “Fishville Norin” корхонаси раҳбари Азизбек Даминов. — Фосфор, “омега-3” ва “омега-6” каби ёғ қислоталарига бой гулмоҳи балиқларининг кундалик таъминотида бўлиш инсонда хотира сусайиши, юрак-қон томир ва асаб касалликларининг олдини олади. Бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам балиқнинг ушбу камбў турига эҳтиёж катта. Ҳудудимизнинг имкониятлари эса балиқ етиштириш борасидаги ишларимизга кенг йўл очмоқда. Мазкур лойиҳамизга аҳоли томонидан катта қизиқиш билдирилди. Кўплаб оилаларга балиқ парваришlash технологиясини ўргатдик.

Дарҳақиқат, “Fishville Norin”нинг энг муҳим жиҳатларидан бири аҳоли би-

лан кооперация асосида ишлаётганидир. Ҳўжақўрғонча маҳалласидаги 25 та хонадон корхона билан ҳамкорлик қилиб, ҳар бири йилга 150 млн. сўмгача даромад олмақда. Келгусида Норин ва Учқўрғон туманларидаги яна 100 та оилани ушбу тизимга жалб қилиш режалаштирилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш ва камбағаллиқни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда 3 млн. АҚШ доллари қийматида тенг сармоя киритилиб, 2 гектардан зиёд майдонларда барпо этилган 76 та инновацион ҳавзанинг 40 таси тўлиқ ишга туширилган, уларда суперинтенсив технология асосида гулмоҳи балиғи етиштириляпти.

Корхона доирасида 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Шу билан бирга, балиқчилик соҳаси атрофида қўшимча хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам шаклланимоқда. Хусусан, корхона ҳудудида замонавий ресторан ва гастрономик туризм маркази ташкил этилган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида 100 нафар меҳмонга хизмат кўрсата олади.

Лойиҳанинг яна бир иқтисодий афзаллиги ресурстежамкорлиги ва экологик самарадорлиғидир. Мелиоратив кудуқлар атрофида ташкил этилган интенсив ҳавзаларда фойдаланилган сув кейинчалик қишлоқ ҳўжалигида ишлатилимоқда. Минералларга бой йилган ушбу сув ҳосилдорлигини оширишга хизмат қиляпти. Ва келгусида Норин туманида “Fishville Norin” тажрибаси асосида давлат-хусусий шериклик йўли билан 84 та тик кудуқ атрофида супер интенсив балиқчилик лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига йилга 8500 тонна балиқ етиштириш имкониятлари устида иш олиб бориляпти.

Айни пайтда кластер тизимида аҳоли хонадонларида 60 тонна, давлат-хусусий шериклиги асосида тик

кудуклар ёнида ташкил қилинган ҳовуларда 240 тонна ва “Fishville Norin” корхонасида 1 минг 700 тонна атрофида гулмоҳи балиғи етиштирилмоқда.

Лойиҳа доирасида туман маҳаллаларидаги ҳар бир хонадонда ўртача 1,6-1,8 тонна атрофида балиқ етиштирилади. Дастлаб донаси 250 — 300 грамм бўлган жами 1000 та балиқ чавоғи олти ойда ўртача 50 — 60 млн. сўмдан даромад келтира бошляпти.

Бунга туманининг Чангитма маҳалласида истиқомат қилувчи Саидқиром Бузрукнов ўтган йилнинг июнь ойда 500 та гулмоҳи балиғини ташлаб, октябрь ойига келиб 30 млн. соф фойда олганини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин.

— Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман, асосий ишдан бўш вақтдан умумий фойдаланиш, қўшимча даромадга эга бўлиш мақсадида балиқ етиштиришга киришдим. Халқ банкининг имтиёзли кредити кўмагида 80 тонналик сизгимга эга ҳовузда икки тонна балиқ боқишни бошладик, — дейди Учтепа маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳроф Толипов. — Балиқ парваришига керак бўладиган икита мотор ва кислород ишлаши туфайли энергияни тежаш учун 5 киловаттлик қуёш панелини ўрнатдик. Кластердан балиқ етиштириш борасида олган қўшимчаларимиз самарасини берди. Ҳар ойда ўртача 9-10 млн. сўм оиламиз бюджетини тўлдирмоқда.

Тадбиркор Азизбек Даминовнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида “Fishville Norin” корхонасига вилоятда интенсив усулда гулмоҳи балиғини етиштириш бўйича ҳовулар сонини 1000 тага етказиш юзасидан топширик берилган. Мазкур вазибалар ижросига киришилиб, лойиҳа ташаббускорлари рўйхати шакллантирилди. Ҳозирга келиб, 200 га яқин янги ҳовулар қуриш ишлари олиб боришмоқда, шундан 50 тасини тез орада ишга тушириш кутилмоқда. Энг муҳими, мазкур лойиҳа вилоятда агробиизнеснинг янги драйверларидан бири сифатида бир вақтнинг ўзида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган иқтисодий моделга айланмоқда.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР

хабарлар

Доривор ўсимликлар экспорти кенгаймоқда

Қамаши туманида фаолият юритаётган “ВВU — Azamat” масъулияти чекланган жамияти доривор гиёҳларни етиштириш ва экспорт қилиш соҳасида мамлакатимиздаги йирик тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади.



Ушбу корхонада йилга 3 млн. долларлик доривор гиёҳлар етиштирилиб, асосан, Европа давлатларига етказиб берилётган бўлса, эндиликда хомашани шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида экспортга чиқариш бўйича янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда лойиҳа учун 7 млрд. 846 млн. сўм қийматидаги зарур бино ва иншоотлар барпо этиляпти, — дейди масъул ходим Илхом Мирзаев. — Қурилиш ишлари аяқланганидан сўнг Германиядан маҳсулотни қайта ишлаш имконини берадиган, ҳар бири 250 минг долларлик иккита замонавий технология олиб келинади.

Эътиборли томони, тадбиркорлик субъекти фаолиятининг кенгайиши натижасида корхонада яна камида 30 та ишчи кучига эҳтиёж пайдо бўлди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Кўҳна гўша янги қиёфада

Ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд назари тушган Когон туманидаги Чорчинор қишлоғида 1,5 километр узунликдаги йўлга асфальт ётқизилди. Шу ва қўшни Работипоён қишлоғи кўчаларига муқобил энергия манбалари асосида ишловчи замонавий ёритиш мосламалари ўрнатилди. Булар давлатимиз раҳбарининг “Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бажарилган ишларнинг бир қисми, холос.



Қолаверса, ушбу лойиҳа доирасида Баҳроуддин Нақшбанд номидаги маҳаллада узунлиги 10 километрдан зиёд бўлган ички йўлларга асфальт қопламаси ётқизилди, ён-атроф обodonлаштирилди. Ҳудуддаги 1-умумтаълим мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Мактабга таълим ташкилотиде эса капитал реконструкция ишлари поёнига етмоқда.

Дарвоқе, бу ерда ёш ота-оналарни қувонтирадиган яна бир янгилик бор. Ташкилот учун қўшимча таразда 120 ўринли замонавий бино ҳам қад ростлади.

— Бунёдкорлик ишлари бу кўҳна гўшага янгича қиёфа бахш этмоқда, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати Зулфия Тўева. — Муҳими, ҳудуд аҳолисининг фаровон турмуш кечириши, орзу-ниятларига етиши учун қулайликлар яратилляпти. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

16 июлда бошланган ва 22 июлгача давом этадиган Ҳиндистондаги нуфузли «Quantbox Chennai Grand Masters — 2026» халқаро шахмат турнирида Ўзбекистон шарафига Ҳиндистоннинг гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов Ҳимоя қилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 551 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибмаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.03 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6